

250.000 ТОННА ТОШКЕНТ ПАХТАСИ ТАЙЁР!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

13 йил чиқиши
№ 197 (3425).

8

ОКТАБРЬ

ШАНБА

1966 йил

Баҳоси 2 тийин.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИНИ
МЕХНАТДА ЯНГИ ЗАФАРЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК

«ГУЛИСТОН» МАРРАГА ЕТДИ ПЛАН 10 КУНДА

БУКА (Телефон орқали олинди). Районнинг энг яхши пахтакор хўжаликларидан бири бўлган «Гулистон» колхози кўн-кеча маррага етди. Ой-Ватан оғирларига қолдирилган 2200 тоннадан ортиқ эъло сифатли пахта етказиб берилди.

Бу колхоз деҳқонлари пахтани машина билан териб олишга йил сайин катта эътибор билан қараб келмоқдалар. Терим агрегатларининг тобора кўпаяётгани, механи-

затор кадрларнинг катта маҳоратини эгаллаётганликлари туфайли хўжаликда пахта тайёрлаш планининг бажарилиш мuddати йил сайин кескин қисқармоқда. Масалан, 1962 йилда план 73 кунда бажарилган бўлса, бултўр 28 кунда бажарилди. Бу йил эса колхоз пахтакорлари 25 кун дегадга галаба рапортига имзо чекишди.

Хозиргача машиналар билан 1200 тоннадан ортиқ «оқ олтин» териб олиниб, бу соҳадаги дастлабки мажбурият шараф билан

адо этилди. Далаларда жавлон ураётган азамат механизаторлар эндиликда ўз зиммаларига олган оширилган социалистик мажбуриятни бажариш учун бутун имкониятларини ишга солимоқдалар.

Колхознинг бу катта галабасида эса деҳқонлардан Абдумуъл Машарипов, Абдураим Эргашев сингари ўртоқлар бошчилиги қилган бригадаларнинг салмоқли хиссаси бор. Планин аллақачон бажариб қўйган бу бригадаларнинг деҳқонлари эрта-киндини социалистик мажбуриятларининг ҳам тўла адо этишлари.

Шонли дала гвардиячиларининг ғайрат-шижоати чексиз. Механизаторлардан Наби Хошимов, Қўчқор Саримсоқов, Карим Маматоқулов, Уктам Рискүлов, Султанмурод Эсгербеков, Рустам Раҳмонов, Турдали Қурбонов, Маннол Мусавов каби ўртоқлар бош-лиқ звенолар ҳар қачонгидан ҳам юксак кўрсаткичларга эришди. Машина теримини ушшоқлик билан ўтказишда колхознинг ташаббускор тошматовчиларидан Мели Усмонов, Абдулгани Назарқулов, Хилотиддин Эшматов, Раҳмон Қурбонов, Ҳабибулла Азаматов, Холмат Отақулов сингари ўртоқлар бошқаларга намуна кўрсатишди.

«Гулистон» колхози тарихи маррага етган бўлса-да, йилги-терим суръатини асло сусайтирмайди. Хўжалик деҳқонлари эндиликда пиландан ташқари камида 800 тонна пахта сотиш, ҳосилдорлигини 31,6 центнерга етказиш юзасидан олган мажбуриятларининг ҳам шараф билан бажариш учун кун сайин кўча-кўча, ғайрат-ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

Мурод мактабда ўқиб юрган кезларидаёки механизацияга қизириб қолган. У яхши ниятга эришди. Мана, тўрт йилдан бери тракторнинг рулида. Колхозда нима иш бўлса-шунинг қилиди. Тракторнинг унмўли ишларини ташминлайди. Икки йилдан бери механик-ҳайдовчи бўлиб ҳам олди. У «зангори кема» рулига ўтириб, пахта терди. Бу йилги иш ҳам чакки эмас. Қўнғига бункердан 4-5 тоннадан «оқ олтин» тўкиб турибди. Биз яқинда унинг терган пахтасини ҳисоблаб кўрдик. 80 тоннага етибди.

Мурод Марҳобов ўз касбияни севади. У доимо олдинги сафларда бўлишга интилади. Ўз касбияни ҳалол меҳнат қилиш билан оқлаётган бу йилги колхозчилар ўз сафларига аъзо қилиб олишди.

Еш коммунист қўлчилигининг ишончини оқламоқда. У звенно аъзоларига моҳирлик билан бошчилик қилаётган. Звенно ўн иш кунда маррага етди. Гектардан 23 центнердан ҳосил йиғиштириб олишди.

— Бу йил, — дейди у, — ил-горлиқни қўлдан бермайсиз. Ҳосилдорлиқни 30 центнерга кўтарамиз. Бунинг учун бизда имконият бор. Пахтада мажбуриятни тўла қоплайди.

Звенно аъзолари еш коммунистан ўрнатилган ҳолда меҳнат қилишмоқда.

С. ЧЕГАБОВ.
Оққўрғон районидаги Калинин номи колхоз.

БЕКОБОДДАН ХУШХАБАР

«Победа» колхоз деҳқонлари район колхозлари ва совхозлари орасида биринчи бўлиб пахта майдонларига «зангори кема»ларни туширган эдилар. Асосий майдонлардаги тузалар машинабон қилиб ўстирилганлиги, туза барглари ўз вақтинда сифатли тўктирилганлиги

яхши натижалар берди. Машиналар бетишхот унмўли ишлай бошлади. Дастлабки кунларда пахтазорларда ўнча яқин машина ишлаган бўлса, йилги-теримнинг энг қизғин кунлари уларнинг сонига 34 тага етказилди. Қўшбоқ Эгамбердиев, Қўнғиш Жураев, Қўшбоқ Абдува-

лиев ўртоқлар каби ўнлаб моҳир механик-ҳайдовчилар кўн-га хирмонга 3—4 тоннадан «оқ олтин» тўкиб туришди.

Колхоз аъзолари йил бошида 1450 гектар ерининг ҳар гектаридан 18 центнердан ҳосил етиштиришни планлаштирган эдилар. Деҳқонларнинг ўз олдинларига қўйган мақсадлари Бекобод ерлари паронтида ҳосилни 23 центнердан оширини эди.

Қўнғиш Бекободдан хўшхабар келди. Колхоз аъзолари давлат топиригининг ортиги билан бажарганликлари тўғрисида галаба рапорти бердилар. Районда биринчи бўлиб маррага етидилар.

Хозир колхознинг пахта майдонларида бўлсангиз хурсанд бўласиз. Терим суръати пасайтирилган йўқ. Зиммага олинган социалистик мажбуриятини ҳам тўла ва ортиги билан бажариш йўлида қизғин кураш кетаяпти. Колхозчилар, механизаторлар, шоферлар—каттадан-кичикнинг ҳаммаси областинида 323 минг тонналик ўлка хирмонининг эртароқ қад кўтариши учун олиб борилаётган курашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Бутуниттифок қишлоқ хўжалиги ходимлари кўн байрам арафасида зафар қўнган «Победа» колхоз марди-майдонларига баъли!

Суратларда: Бекободдаги «Победа» колхозининг пешқадам звенно бошлиқлари: Қ. Жураев ва Қ. Абдувалиев ўртоқлар.



ИЛҒОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Область партия комитети ва область икрония комитети колхоз ва совхозларда қаноп ўриш ва ўнча давлатга топириш юзасидан бажарган социалистик мусобақанинг сентябрь ойи учинчи кунининг икунларини кўриб қийиб, қарор қилдилар.

Область партия комитети ва икрония комитетининг кўчма Қизил байроғи Юқори Чирчиқ районидagi «Полтодел» колхозига берилди (правление раиси Хава-Ман Гим, партия ташкилотининг секретари Пак Дек Еш, номсолом ташкилотининг секретари Ким, бош агроном Пав, бош инженер Хава, бош бухгалтер Рем Сип Ман ўртоқлар). Бу колхоз ўтган йил кунлида қаноп ўриш ва давлатга сотишда 18,1 процент ўсешга эришиб йиллик планини 95,4 процент бажарган.

Қизил байроқ Оққўрғон районидаги Димитров номи колхоздан олиб берилди.

Область партия комитети ва область икрония комитети колхоз ва совхозларда қаноп ўриш ва ўнча давлатга топириш юзасидан бажарган социалистик мусобақанинг сентябрь ойи учинчи кунининг икунларини кўриб қийиб, қарор қилдилар.

Область партия комитети ва область икрония комитетининг кўчма Қизил байроғи Юқори Чирчиқ районидagi «Полтодел» колхозига берилди (правление раиси Хава-Ман Гим, партия ташкилотининг секретари Пак Дек Еш, номсолом ташкилотининг секретари Ким, бош агроном Пав, бош инженер Хава, бош бухгалтер Рем Сип Ман ўртоқлар). Бу колхоз ўтган йил кунлида қаноп ўриш ва давлатга сотишда 18,1 процент ўсешга эришиб йиллик планини 95,4 процент бажарган.

Қизил байроқ Оққўрғон районидаги Димитров номи колхоздан олиб берилди.

Область партия комитети ва область икрония комитетининг кўчма Қизил байроғи Юқори Чирчиқ районидagi «Полтодел» колхозига берилди (правление раиси Хава-Ман Гим, партия ташкилотининг секретари Пак Дек Еш, номсолом ташкилотининг секретари Ким, бош агроном Пав, бош инженер Хава, бош бухгалтер Рем Сип Ман ўртоқлар). Бу колхоз ўтган йил кунлида қаноп ўриш ва давлатга сотишда 18,1 процент ўсешга эришиб йиллик планини 95,4 процент бажарган.

лини раиси А. Назаров, район иш-лаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Т. Ортиқхўжаев ўртоқлар). Бу район ўтган йил кунлида сазавот йиғини ва топириш планини 29,9 процент, картошка—4,6 процент, полз экинлари 14,9, мева 2,3, узум йиғини ва топириш планини 21,3 процент бажарилишини ташминлаган. Районда сазавот сотиш бўйича йиллик план 101,8 процент, полз маҳсулотлари бўйича 82,4, картошка 35,2, узум 40,0, мева сотиш бўйича 80,2 процент бажарилган.

Байроқ—Янгиўла районидан олиб берилди.

Картошка, сазавот, узум ва мева ҳосилини йиғиб олиш, давлатга сотиш бўйича Орқониндизе райони, сазавот, картошка ва полз экинлари маҳсулотлари топириш соҳасида Бўка районининг яхши ишлаганлиги қайд қилиб ўтилди.

ГАЛАБА РАПОРТЛАРИ

РЕДАКЦИЯМИЗГА Оққўрғон районидан ҳар кун хўшхабарлар келиб турибди. Бу ерда маррага етиб галаба рапорти бераётган колхоз, бригада, звенноларнинг сонига тобора кўпаймоқда.

Райондаги Энгельс номи колхоздан юборилган телеграммда колхозчилар социалистик мусобақани кенг қўлч ейдириб 19 иш кунда пахта тайёрлаш йиллик планини муваффақиятли бажарганликлари ҳақида хабар қилишган. Тайёрлов пунктларига 640 тонна биринчи сортли «оқ олтин» топирилган. Пахтанинг асосий қисми «зангори кема»лар бункеридан тўкилди.

Ҳали колхозда пахта кўп. Деҳқонлар барча имкониятларини ҳисоблаб қийиб, қўшма равишда 170 тонна «оқ олтин» сотиш мажбуриятини олдилар.

ОХУНБОБОВ номи колхоз пахтакорлари ҳам йиллик планларини бажарганликлари ҳақида галаба рапорти йўллашган. Колхозда бу йил ҳар йилдагига қараганда пахтадан кўп ҳосил етиштирилди. Давлат оғирларига 1352 тонна «оқ олтин» тўкилди. Топирилган ҳосилнинг салкам 1000 тоннаси машиналар ердами билан териб олинди.

Колхозчилар плани бажарганларидан кейин ҳам ишни бўша-тиривилари йўқ. Йиллик планининг икки-уч проценти миқдорда «оқ олтин» топиришда. Миришкор деҳқонлар социалистик мусобақани кенг авж олдириб, қўшма равишда 300 тонна пахта топириш учун қизғин курашаётганлар.



Суратда: «Октябрь 40 йиллиги» колхозда пахта планини бажаришда фидокорона меҳнат қилган бир гуруҳа механик-ҳайдовчилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми 5 октябрда корхоналари, темир йўл станцияларини, муассасалар ва иттифок ташкилотларига бўйсунган бошқа объект ҳамда ташкилотларни жуда катта хизмат кўрсатган давлат ва жамоат арбобларини қўнғини тартибиди ўзгартириш тўғрисида Фармон чиқарди.

Фармонда бундай дейилди: иттифокдош республикаларнинг Министрлар Советлари

корхоналар, темир йўл станциялари, муассасалар ва иттифок ташкилотларига бўйсунган бошқа объект ҳамда ташкилотларни жуда катта хизмат кўрсатган давлат ва жамоат арбобларини қўнғини тартибиди ўзгартириш тўғрисида Фармон чиқарди.

БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ

Деҳқонлар октябрь ойида хўжалик йилининг дастлабки якунларини чиқаришди. Октябрда бутуниттифок қишлоқ хўжалик ходимлари кўн байрам қилинади. Ана шу танта-нали байрам арафасида ТАСС мухбирилар СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига боришди. Улар баъзи Бош бошқармаларнинг ва бўлимларининг раҳбарларидан мамлакат деҳқонлари, чорвадорлари ва мелиораторлари ўзларининг биринчи байрамларини қандай қўтиб олаётганликларини гапириб беришни илтимос қилдилар.

Пахта етиштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари В. П. Караминев:

Пахтазорларда тўв олпоқ қўли қайнаб—тошаётганда, йилги-терим ишларининг долзарб кўнлари давом этмоқда. Деҳқонлар ўзлари етиштирган ҳосилдан маънулар. Бу — ил-гор тақриб, фан ютуқлари кенг қўламда жорий этилганлигининг, техникадан яхши фойдаланилганлигининг самарасидир. Катта-катта массивларда тузалар икки томонлама кудьтивация қилинди. Ўз вақтида ўғит солинди. Ҳосил теримига анча ушшоқлик билан тайёр-

гарлик қўрилди. Чунончи, хўжаликлар дастлабки дефляциясини сентябрда тугалладилар. Ўтган йилларда бу иш октябрнинг бошларигача давом этар эди.

Умуман мамлакатда ўтган йилдагидан тахминан учдан бир хисса кўп пахта машиналарда терилди. Масалан, Тошкент областининг механизаторлари кўнга планининг 3 проценти миқдорда пахта термоқдалар.

Мўл ҳосил етиштирилганлиги туфайли кўнгина хўжаликлар пахта тайёрлаш планини мuddатидан олдин бажардилар.

ХУРМАТ ПАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини мuddатидан олдин бажарганликлари учун область Хўрмат пахтасига ёзилдилар

Ўрта Чирчиқ районидagi «Ленин йўли» колхозининг Жума Абдиев бошлиқ звеноси. Бу звенно пиландан ташқари қўшмача 37 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

Шу колхознинг Хўжамурод Кученов бошлиқ звеноси. Бу звенно пиландан ташқари қўшмача 30 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

Шу колхознинг Аҳмад Турғубоев бошлиқ звеноси. Бу звенно пиландан ташқари 25 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

Шу райондаги Калинин номи колхозининг Михаил Пягай бошлиқ бригадаси. Бу бригада пиландан ташқари қўшмача 103 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

Шу райондаги Куйбишев номи колхозининг Қўчқор Рихсиев бошлиқ бригадаси. Бригада пиландан ташқари 136 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

Охунбобоев номи колхозининг Мисир Ортиқов бошлиқ бригадаси. Бу бригада пиландан ташқари 151 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

Терешкова номи колхозининг Тўхтаўжа Хошимов бошлиқ звеноси. Бу звенно пиландан ташқари 33 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.


Шу колхознинг Озод Абдусаматов бошлиқ звеноси. Бу звенно пиландан ташқари 30 тонна пахта сотиш мажбуриятини олдилар.

323.000 ТОННА ТОШКЕНТ
пахтаси учун

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 7 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда терилган	Маъсум бошқидан	Бир кунда машинада терилган	Маъсум бошқидан бери иш иш иш
Оққўрғон	2,51	85,49	2,62	99,38
Юқори Чирчиқ	4,00	79,17	9,17	181,10
Бўка	2,96	77,54	3,49	95,90
Ўрта Чирчиқ	2,57	76,47	3,32	87,87
Орқоникдизе	2,72	73,15	4,90	76,00
Калинин	4,04	72,35	5,00	62,50
Бекобод	2,61	71,83	3,41	77,96
Янгиўла	3,04	67,44	3,22	72,32
Область бўйича	2,83	76,07	3,29	90,24

ЯНГИ ТОШКЕНТИН БУНЁД ЭТАМИЗ



Уялаб қўққаётган кўркем иморатлар Сергели шаҳарчаси ҳусни-жамолини очиб турибди. Уларни ҳарбий бинокорлар қуришган. Шаҳарча қурилиши ҳали тамом бўлгани йўқ. Солдатлар навбатдаги турар-жой биноларини ҳам жадал суръатлар билан олиб боришаётган. Улар ҳадемай энгизилган бошпанасиз қолган тошкентликларни ўз бағрига олади. Суратда: солдатлар бўли билан яратилган кўркем турар-жойлар.

КИЕВ—ТОШКЕНТГА

ДЕПУТАТ БОШЛИҚ БРИГАДАДА

Муқимий кўчасида қад қўраётган бу бинони СССР Олий Совети депутаты Холжўжа Баҳодиров бошлиқ бригада аъзолари қуришляпти. Ҳозиргина қурилиш майдонига гишт орگان машина келиб қолди. Дарҳақиқат унга пешволик қилди. Дарҳақиқат унинг қўлидан нафис олдирди. Қурилиш бригадаси — Лик ривожини тортиб ҳартурм илмоларини машина кўзювонга ўзгарилади. Зум ўтмай поддондаги гишталарни унинг қават-қават томон кўчара бошлади.

Бригадир қўлини кўтариб «тўхта!» ишорасини қилди. Бир поддон гишт ҳавода муаллақ туриб қолди. Екатерина дарҳол тушунди бўлини сабабини. Гиштин ҳовуздаги сува бир бор ботириб олмагани эди. Аста тушириб гишталарни қўйди. Аста тушириб гишталарни қўйди. Аста тушириб гишталарни қўйди.

Холжўжа эсини танибдики, қурилишда ишляпти. Чилонзорга ҳам ўзи биринчи гиштин қўйган. Бинокорлар орасида журавериб ишга кўзи пишиб кетган унинг. Қурилиш технологиясининг бир бор икки-чиркини ҳисобга олишга урияди. Холжўжа Баҳодиров бошлиқ бригадада 31 киши меҳнат қилляпти. Қўлидаги йиғит-қизлар

нинг ҳаммаси ғайратли, уйда-бурро. Ишчанликда ўз бригадирларидан қўлинишляпти. — Ости мағзинли бу саксон кватирли бинони декабрь ойида пардозлашга топиришляпти. Шу кўнчага ишнинг яридан ортиги бажарилиб қолди, — изох беради бригадир.

Заватда бинокорлар хоналар ўртасига плиталар ўрнатилляпти. Бу ишнинг бошида Журабой Назаров. Плита учаллик қилин эмас, лекин пишиқ. Плиталар орасидан ўтган арматуралар бир-бирига пайвандалляпти. Сўнг очик чоклар алабаст қоримаси билан сувалляпти. Журабой Назаров қурилишда биринчи йил эмас. 18 йилдирки, у уй қуради. Ўтган йиллар давомида унинг қўли билан шаҳримизда неча уялаб иморатлар қўйди, бўй чўзмади дейсиз. Бригадининг бошқа аъзолари ҳам қурилишда катта тажриба орттиришган. Кўчор Нисаматов 15 йилдан бери иморатлар гиштини териб келишляпти.

Бригадининг энг ёш аъзоси Умаров. 16 йилда, Умаров Холжўжанинг ўғли. Бинокорларга шогирд тушган. У ҳам отасидек машҳур қурувчи бўлишни юраганига тугиб қўйган. Умаров Баҳодиров ота издан бориб ҳам бўлмайди. У ҳозир ғайрат билан бинокорлик касбининг миридан-сиригача қўлида ўргатилляпти. Ҳадемай пўл

дан гишт териб, бетон қўйиб, дурадгорлик ишлари келиб қолди. Ушанда унинг номи ҳам эл оғизига тушди. Гишт терувчилар ҳозир бешинчи қаватга кўтарилишган. Дурадгор Шермат Холматов дераза устига қўйилган поларемичка ўрнатиб шериқлари билан оналукча қўйди. Шермат билан изма-из бетончилар оналукча қўйишда тўлдирмоқдалар.

Бригадининг ҳамма аъзоси иш устида. Биров гишт деса, яна биров қоримча суради. Қан эса тилим билмайди. Бинокорлар қўли остига барча материалларни етказиб бераляпти. Шундай ҳам бўлиши керак. Чунки бинокорлар 80 кватирли бу турар-жойни тезроқ фойдаланишга топириш қўйиб тутишган. Фақат сурат кетидан қуришляпти. Йўқ улар. Сифат ҳамон бинокорларнинг байроғи. Бригадир гишталар орасига солинаётган

қориманинг бир сантиметр қалинлида бўлиши, ҳар олти қабат гишт орасига сеимик дорборлар ўтказилган устидан контроллик қилиб юрибди. Бинокорлар бригадир айтмаса ҳам шундай қилишляпти.

153-қурилиш трест коллектив Холжўжа Баҳодиров бошлиқ бригада аъзоларини тез ва соз ишляти учун ҳам сенадилар. Бригада коллектив билан бўён ҳам иш суръатига сурбат, сифатига-сифат қўйишга ҳаракат қилаверади. Чунки чодирларда ҳали ҳам қўлаб ҳамшаҳарларимиз истиномат қилишляпти. Совуқ кунлар эса тобора яқинлашиб келмоқда. Шунинг уялаб бошпанасиз қолган тошкентликларни тезроқ турар-жойлар билан таъминлаш қўлаб қўйишга топириш қўйиб тутишган. Фақат сурат кетидан қуришляпти. Йўқ улар. Сифат ҳамон бинокорларнинг байроғи. Бригадир гишталар орасига солинаётган

«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

Комсомоллар меҳмони

Яқинда ленинградлик қурувчилар «Компосилторг» базаси комсомолларнинг меҳмони бўлишди. Ленинградлик қурувчилар пойтахт ёшларига ўзларининг шу кўлида қилаётган ишлари, яъни Тошкентни яратган қўлидаги ҳисса қўшаётганликларни,

ўз режалари тўғрисида сўзлаб бердилар. Ленинград қурувчилари комсомол комитетининг секретари И. Петров, қурувчи В. Мартенко ўртоқлар сўзини комсомоллар қизиқиб тингладилар. Пойтахт ёшларининг ленинградлик қурувчилар билан бўлган бу учрашувида икки шаҳар халқларининг дўстлиги, уларнинг бир-бирларига бераётган маддадлари ҳақида самимий сўзлар айтилди. Пировавдида қурувчиларга совғалар тақдим қилинди.

Л. АЛИМОВА.

МУКОФОТ МУБОРАК, МАОРИФ ХОДИМЛАРИ!*

Етти йилликда маориф ва профессионал-техника таълимини ривожлантиришда эришган ютуқлари учун маориф ва профессионал-техника таълими ходимларидан катта бир гуруҳни СССР Олий Совети Президиумининг 1966 йил 30 сентябрдаги Фармонида буюрилган СССР ордени ва медаллари билан мукофотланди.

Тошкент обласидан қуйидагилар бор:

«ХУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Афандиева Муаттар — Тошкент шаҳридаги 13-ўрта мактаб директори.

Аҳмаджонова Сукма — Янгйўл районидagi 1-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Ахмедов Гулжамол — Янгйўл районидagi 10-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Ашпазова Турсун — Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг инспектори.

Бегматов Аҳмад Ҳасенович — Тошкент шаҳридаги 3-ўрта мактаб директорининг ўринбосари.

Борохон Убайдулла Екубович — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг радиошунтириш ва телевидение давлат комитетини раиси.

Борохон Хамра — Янгйўл районидagi 8-мактаб ўқитувчиси.

Гитина Дора Наумовна — Тошкент шаҳридаги 91-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Каримова Карима — Оқдўгон районидagi 68-бошланғич мактаб ўқитувчиси.

Коршуни Николай Васильевич — Бекобод шаҳридаги 2-ўрта мактаб директорининг ўринбосари.

Маматохунова Саодат — Тошкент шаҳридаги 191-бошланғич бозчасининг мудири.

Машталер Семен Алексеевич — Чирчиқ шаҳридаги 8-ўрта мактаб директори.

Мукина Полина Александровна — Бўка районидagi 2-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Назаров Ҳудом — Калнин районидagi 75-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Нисонов Маҳкам — Тошкент шаҳар Чилонзор район халқ маориф бўлимининг мудири.

Овчиникова Вера Алексеевна — Тошкент шаҳридаги 32-санкиз йиллик мактаб директорининг ўринбосари.

Орлова Тамара Николаевна — Ўзбекистон КП обласи комитетининг инспектори.

Полдинский Мена Давидович — Ўзбекистон КП Марказий Комитети секретариининг ўринбосари.

Розиков Солик Каримович — Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг инспектори.

Собитов Солик Назармухамедович — Обласи халқ маориф бўлимининг инспектори.

Сиддикхўжаев Сандрасуя Абдуазимович — Тошкент шаҳар халқ маориф бўлимининг инспектори.

Давомий. Боши газетамизнинг 7-октябрь сониди.

Сулаймонов Сарсен Сегибеевич — Оржоникидзе районидagi 1-ўрта мактаб директори.

Тошбекова Лазокат Муратовна — Тошкент шаҳридаги 47-бошланғич яслисининг мудири.

Тўхтажўжаев Иқболхон — Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг ўринбосари.

Турдыев Жумагул — Ўрта Чирчиқ районидagi 69-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Толесев Анатолий Константинович — Ўзбекистон КП Марказий Комитети бўлими мудириининг ўринбосари.

Умаров Арслон — Бўка районидagi 61-санкиз йиллик мактаб ўқитувчиси.

Усмонов Раҳим — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг старший референти.

Хагай Вон — Ўрта Чирчиқ районидagi 2-санкиз йиллик мактаб директори.

Холматов Фозил — Охангарон шаҳридаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Ҳошимов Абдували Ҳошимович — Тошкент шаҳридаги 13-ўрта мактаб директорининг ўринбосари.

Ҳўжаев Суниат — Бўка районидagi 23-санкиз йиллик мактаб директори.

Холматов Қундуз — Тошкент шаҳридаги 99-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Ципель Антонина Дмитриевна — Чирчиқ шаҳридаги 13-ўрта мактаб директорининг ўринбосари.

Шокиров Юсуф — Тошкент шаҳридаги 24-мактаб директорининг ўринбосари.

Шомуродова Ҳалима — Тошкент шаҳридаги 92-санкиз йиллик мактаб директори.

Шохронов Баҳром — Янгйўл районидagi 14-ўрта мактаб директорининг ўринбосари.

Штегел Бергард Гербертович — Оржоникидзе районидagi 62-ўрта мактаб директори.

Эркабев Тожибой — Бекобод районидagi ўрта мактаб ўқитувчиси.

Ўйулдобоева Ойша Ҳўжамбердиевна — Маориф, олий мактаблар ва илмий муассасалар ходимлари касба союзи республика комитетининг раиси.

«ШАВКАТЛИ МЕХНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуразоқова Хадия — Тошкент шаҳридаги 3-максус мактаб-интернат директори.

Аверина Анна Ивановна — Охангарон шаҳридаги 6-бошланғич бозчаси мудири.

Азизов Яхё — Бўка районидagi 56-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Архангельская Ольга Васильевна — Охангарон шаҳридаги 21-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Асадуллоева Фавзия Мустафиевна — Тошкент шаҳридаги 90-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Ахмедов Абдумутал — Оржоникидзе районидagi 30-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Бахромова Хамра — Тошкент шаҳридаги 119-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Гусев Александр Кузьмич — Янгйўл шаҳридаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Деева Мария Петровна — Тошкент шаҳридаги 61-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Жураев Қодир Раҳматуллаевич — Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг бошқарма бошлиғи.

Еремкина Мария Федоровна — Янгйўл районидagi 45-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Жақияев Досимхон — Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг бошқарма бошлиғи.

Зокоров Исохон Дадабоевич — Бекобод районидagi 1-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Златин Михаил Мордухович — Тошкент шаҳридаги 2-ўрта мактаб директори.

Исломов Сайёра — Бекобод шаҳридаги 1-печки (сменали) мактаб ўқитувчиси.

Каландаров Раҳимин Ибрагимович — республика ўқув кўргазма қўралари магазини директори.

Қоррабев Абдухалил Наирович — Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг бошқарма бошлиғи.

Кожеников Дмитрий Петрович — Янгйўл шаҳридаги 5-ўрта мактаб директори.

Қўшматов Маматкул — Бекобод районидagi 25-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Мансудов Шабо — Ўқитувчилар газетасининг редактори.

Маренкова Мария Васильевна — Олмалик шаҳридаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Миралев Бақо — ёш натуралист марказий станциясининг старший методисти.

Муллажонов. Ҳунирисо — Бўка районидagi 2-бошланғич бозчаси мудири.

Николаев Ипполит Семенович — Чирчиқ шаҳар халқ маориф бўлимининг мудири.

Нурмухамедова Сабоҳат Фаттохона — Тошкент шаҳридаги 5-профессионал-техника билим юрти ишлаб чиқариш таълими мастери.

Розикулов Рашид Маисирович — Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг инспектори.

Романов Сергей Георгиевич — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг старший референти.

Рўзиев Рамазон — Ўрта Чирчиқ районидagi 52-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Собирова Мукамбар Содиковна — Тошкент шаҳридаги 26-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Солыхов Қўчор — Тошкент шаҳридаги 150-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Сайганов Николай Игнатьевич — Тошкент шаҳридаги махсус ихтисослашган мактаб-интернат ўқитувчиси.

Сабитгаллин Вадуд Ҳакимович — Калнин районидagi 38-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Ситникова Елена Николаевна — Тошкент шаҳридаги 89-ўрта мактаб тарбиячиси.

Сон Николай Михайлович — Юкюр Чирчиқ районидagi 33-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Тўхтаев Рамаздин — Тошкент шаҳридаги Островский номи пионерлар саройининг тўғра раҳбар.

Тин Мисей Владимирович — Ўрта Чирчиқ районидagi 58-мактаб ўқитувчиси.

Ҳайдаров Саъди — Юкюр Чирчиқ районидagi 42-мактаб ўқитувчиси.

Чалигина Наталья Николаевна — Янгйўл шаҳридаги 11-санкиз йиллик мактаб ўқитувчиси.

Яковлева Тамара Федоровна — Калнин районидagi 87-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Екубожонова Ҳосият — Ўзбекистон КП Октябрь район комитетининг секретари.

«МЕХНАТДА ЎРНАК КўРСАТГАН УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Аббасов Николай Михайлович — Оқдўгон районидagi 46-ўрта мактаб директорининг ўринбосари.

Алимова Зарифа — Бекобод районидagi 36-санкиз йиллик мактаб директори.

Апасова Галина Юковлевна — Тошкент шаҳридаги 103-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Отанираев Абдуқодир — Тошкент шаҳридаги тажриба мактаб-интернатининг ўқитувчиси.

Боборайхон Раҳим — марказий бошланғич таълим турист станциясининг директори.

Бердалиева Урхия — Чирчиқ шаҳридаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси.

(Давомий бор).

Планеташунослар кенгаши

ХАРЬКОВ, (ТАСС). Ой, Марс ва Венерани Ерда туриб ҳамда ел-моффердан ташқарида тадқиқ қилиш проблемаларига бағишланган бўлиб, бу ерда атоқли астрофизикларнинг конференцияси очилди.

Конференцияни СССР Фанлар Академияси астрономия кенгашининг планеталар физикаси билан шуғулланувчи комиссияси чакирди.

Конференция ишларида мамлакатдаги энг катта илмий тадқиқот институтлари ва астрономия обсерваторияларининг юзга яқин планеташуноси қатнашмоқда.

Конференцияни Украина ССР Фанлар Академиясининг академиги Н. П. Барабашов кириш нутқи сўзлаб очди.

Биринчи кун олимлар Ой билан планеталарни Ердан туриб ҳамда космик йўлдошлар ва аппаратлар ёрдамида тадқиқ қилиш ва кузатиш натижалари тўғрисидаги докладларни тингладилар.

Конференция бир неча кун давом этади.

Она-Ватан Бўйлаб

ТАСС ХАБАРЛАРИ

КПСС тарихини ўрганувчилар учун

«КПСС тарихига оид лекцияларнинг иккинчи қисми босмадан чиқди: тўплам КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги олий партия мактаби КПСС тарихи кафедраси профессор-ўқитувчилар коллектив томонидан профессор, тарих фанлари доктори Ф. Д. Кротовнинг умумий таърихда босмага тайёрланди. Кўтоб «Мисл» нашриётида кўп нуска босилиб чиқди. Тўпламга 1917 йилнинг октяб-ридан 1927 йилга бугунгача даврини ўз ичига олган лекциялар киритилди. Бу лекциялар олий ўқув юрталарининг ўқитувчилари, студентлари, пропагандачилар, партия ўқув системаси тингловчиларига катта ёрдам беради.

Лекцияларнинг биринчи тўплами 1965 йилда нашр этилган эди, унинг тўплами эса босмага тайёрланмоқда.

Халқаро учрашув

БМТ симпозиуми ривожланиётган мамлакатларда металл ишлаш саноатини ривожлантиришнинг муҳим проблемаларини қараб чиқди. Симпозиум ўз ишнини 5 октябрда Москвада таомиллади. Симпозиумда 31 мамлакат вакили қатнашди. Совет мутахассислари тўғрисида доклад қилдилар.

Меҳмонлар бир ой давомида илмий-тадқиқот институтлари ва корхоналарнинг иши билан танишадилар.

Вьетнамлик рассомнинг плакати

Украинанинг «Мистецтво» («Сэнат») нашриётида «Вьетнам халқи ғалаба қозонади» деган плакат босилиб чиқди. Плакат автор Нгуен Суан Хонг вьетнамлик ёшлардан биринчи бўлиб, бу йил Киев давлат бадий институтини тамомлаб чиқди. 30 минг тираж билан босилиб чиққан махсус плакат Нгуен Суан Хонгнинг диплом ишидир. Плакатга аъло баҳо қўйилди. Плакатда ўз Ватанини ҳимоя қилиш учун қўлига қурол олиб отланган вьетнамлик ватанпарварлар тасвирланган.

Озуқамул

СССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, ҳўналликлар Октябрь ойининг бошигача 52,4 миллион тонна ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8 миллион тонна кўп пичан тайёрландилар.

Синобон экинлар ва хашаки илдизмева плантацияларида ҳозир қизғин даяр бошланди.

Мамлакат ҳўжаликлари витаминли пичан унини ўтган йилдагига нисбатан икки баравардан зиёд тезроқ ғамлаб қўймоқдалар. Похол, тўпон ва бошқа дағал хашак тайёрлаш қизғин олиб боришмоқда.

Мамлакатимизнинг лирик

дон омборларидан бири — Кус-

танай базаси ҳар кунини мингта-

тона дон қабул қилади. Бу,

ерда барча иш жараёнари тў-

ла механизациялаштирилган.

Суратда: базага кираверини

жойи.

В. Давидов фотоси,

ТАСС фотохроникаси.

ПАХТА ТЕРИМИДА ЯНГИ УСУЛ

А. Ершов фотоси,
АГ).

